O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
6 июнь
ШАНБА
№ 45
(12.160)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

БАҲРАЙН ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

Баҳрайн Подшоҳлиги молия вазири Шайх Аҳмад бин Муҳаммад Ол Халифа раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Парпиев билан учрашди.

Юртимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида солиқ сиёсатини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Солиқ юкининг йилдан-йилга пасайиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёзлар иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

– Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик икки томонлама манфаатли асосда ривожланиб бормоқда, – деди Шайх Аҳмад бин Муҳаммад Ол Халифа. – Мамлакатингиз барча соҳаларда жадал тараққий этаётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни, айниқса, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз. Бугунги мулоқотлар истиқболда янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун яхши замин бўлади.

Меҳмонлар юртимизда хорижий инвесторлар учун қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратиш, томонларга тенг манфаат келтирадиган иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишни давлат даражасида қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бердилар. Томонлар солиқ соҳасидаги икки томонлама келишувларни такомиллаштириш юзасидан фикр алмашдилар.

Баҳрайн делегацияси Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида ҳам музокара ўтказди. Суҳбат якунида икки мамлакат савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Меҳмонлар Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилдилар. Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирдилар.

ЎзА.

ИҚТИДОРИ БОРНИНГ ИСТИҚБОЛИ БОР

Мамлакатни дунёга танитишда истеъдодли ёшларнинг алоҳида ўрни бор. Яқинда Германиядан юртимизга ташриф буюрган меҳмонлар Юқоричирчиқ тумани амалий санъат ижодий маркази тарбияланувчиси Дилдора Абдуғофурова томонидан ясалган кулолчилик намуналарига юқори баҳо бериб, эсдалик учун юртларига олиб кетдилар. Энг қизиғи, хайрлашув чоғида Дилрабо билан ушбу йўналишда яқиндан ҳамкорлик қилиш истагини билдиришди.

Дилрабо бу йил "Келажак овози – 2009" кўрик-танловининг туман босқичида ғолиб деб топилиб, вилоят босқичига йўлланма олди.

Вилоят "Маънавият ва маърифат" марказида ўтказилган "Келажак овози – 2009" кўрик-танловининг вилоят босқичида ана шундай талантли ёшларимиздан 600 нафари ўз ижодий ишлари билан иштирок этдилар. Анъанага айланиб бораётган ушбу кўрик-танлов "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилди.

Танлов "Архитектура ва дизайн", "Рационализаторлик таклифлари ва ишланмалари", "Тасвирий ва амалий санъат" ҳамда "Бадиий ижод ва публицистика" йўналишлари бўйича ўтказилди.

– Бу галги кўрик-танловга биз вилоятимизнинг энг чекка қишлоқларидаги ёшларни жалб қилишга ҳаракат қилдик, – деди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши бўлим мудири Дилором Абдуғафурова. – Энг муҳими, "Келажак овози" кўрик-танловида миллий анъаналаримизга, қўшиқчилик санъатимизга, хусусан, йўқолиб бораётган лапарлар, айтишувларга ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Айниқса, бадиий ижод ва публицистика йўналишида Ангрен шаҳри, Бекобод, Юқоричирчиқ туманлари ўқувчиларининг чиқишлари барчага манзур бўлди.

Вилоят босқичида 15 нафар ғолиб аниқланди.

Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТАЪЛИМИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш вазифаси демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан бири сифатида белгиланган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилашга доир фармони бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Юртимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ва маърифий ишлар тизими шакллантирилди. Ҳуқуқ ҳимояси мавзуида йигирмадан зиёд ихтисослашган журнал ва газеталар чоп этилмоқда, барча мактаб, коллеж ва лицейларда, олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ўрганилмоқда.

Пойтахтимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилган инсон ҳуқуқлари таълимининг долзарб масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференцияда шулар хусусида сўз борди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилгани, бунинг амалий самараси жамиятнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараларида ўз исботини топаётганини таъкидлади. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмлари амалда самарали жорий этилаётир. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги фармони инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ишларни янги босқичга кўтарди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар фаолияти такомиллаштирилиб, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ишларига эътибор янада кучайди. Хусусан, инсон ҳуқуқларига бағишланган кўплаб адабиётлар, ўқув қўлланмалари чоп этилди.

Инсон ҳуқуқлари таълими – инсонни ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, мажбуриятлари билан таништиришга қаратилган узлуксиз жараён бўлиб, жамиятда ҳуқуқий маданиятни, аҳолининг ҳуқуқий билимини янада юксалтириш, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, вазирликлар, идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, бир неча хорижий мамлакатлардан соҳа мутахассислари иштирок этган тадбирда инсон ҳуқуқлари таълими бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ва босқичма-босқич ислоҳотларга юксак баҳо берилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ўзига хос самарали тизим яратилгани алоҳида таъкидланди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.

АСОСИЙ БУЮРТМАЧИ – ФЕРМЕРЛАР

Қибрай туманида яқиндагина иш бошлаган "Мақсудов Акмал" хусусий корхонасида 25 нафар киши муқим ва даромадли иш билан таъминланди.

Корхона устахонасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун турли сиғим ва ўлчамдаги таралар тайёрланмоқда.

Маҳаллий ва қўшни туманлардаги сабзавотчилик ва боғдорчилик йўналишидаги фермерлар, иссиқхона хўжаликларидан корхонага тушаётган буюртмалар ҳажми тобора ортмоқда.

Яқинда Хитойдан махсус мослама ва ускуналар олиб келингач, корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробар ортиб, қўл меҳнати анча енгиллашди.

ЁШЛАР ЎҚИЙМАН, ДЕСА...

Газалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида 1203 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

Уни битириб чиққанлар 11 та йўналиш бўйича касб эгаллаб, истаган корхона ёки муассасаларида меҳнат қилишлари мумкин.

Тумандаги 16 та корхона ва ташкилот билан битирувчиларнинг битируволди амалиётларини ўтказиш ҳамда уларни ишга жойлаштириш бўйича ҳамкорлик шартномалари тузилган. Жумладан, кўплаб битирувчи ёшлар "Газалкент-ойна" ва "Агромир-мева" қўшма корхоналарида ишлаш истагини билдиришган.

Саида РАҲМОНОВА.

ИЛК МАҲСУЛОТ – ТЕРМИЗГА

"Чирчиқхитингсистем" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлаганига кўп бўлгани йўқ.

Шунга қарамай, бу ерда 15 киловаттдан тортиб, 2000 киловаттгача бўлган иситиш қозонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Мазкур иситиш қурилмалари газ, кўмир, шунингдек, суюқ ёнилғи билан ишлайди.

Корхона илк маҳсулотларини Термиз шаҳридаги буюртмачиларга етказиб берди.

САҲНАДА КИТОБХОНЛАР

Ўртачирчиқ туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида "Йил китобхони" вилоят кўрик-танлови ўтказилди.

Ўқувчиларда билим манбаи бўлган китобга муҳаббат уйғотиш, мутолаа маданиятини шакллантириш ҳамда китобхон талабаларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилган танловда вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги касб-ҳунар коллежларининг китобсевар талабалари ўзаро беллашдилар.

Танловнинг китобларни шарҳлаш, Президент асарлари мазмун-моҳиятини тушунтириш, шеърхонлик, ижодий иш ҳамда интернет тизимидан фойдаланиш шартлари бўйича энг юқори натижага эришган Қибрай академик лицейи ўқувчиси Лобар Авазова ғолиб топилди ва вилоят вакили сифатида танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шунингдек, Ўртачирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқувчилари Малика Мамадиёрова, Ангрен педагогика коллежи ўқувчиси Муножат Нуралиева, Оҳангарон саноат коллежидан Нулуфар Тўлаганова ҳамда Олмалиқ саноат коллежи вакили Сарвиноз Ҳакимованинг китобхонлик зеҳни юксак баҳоланди.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.

РАҚҚОСАЛАР МУСОБАҚАСИ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида замонавий хореография ва спорт пластикаси бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда юртимизнинг энг яхши болалар рақс жамоалари иштирок этди.

Рақс санъатини ривожлантириш, соҳада фаолият кўрсатаётган болалар бадиий жамоаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мусобақада иштирокчилар спорт-бал, миллий, жаҳон халқлари, замонавий рақслар, спорт акробатикаси ва бадиий гимнастика бўйича ўзаро беллашди.

Унда йигирмага яқин болалар рақс жамоаси мусобақа совриндори деб топилди. Улар орасида вилоятнинг Оққўрғон шаҳар маданият уйи қошидаги болалар рақс жамоаси ҳам бор. Жамоа бадиий раҳбари Сайёра Сайидалиеванинг айтишича, ушбу ансамбль "Янги авлод" болалар ижодиёти республика фестивалида совринли ўринни қўлга киритган. Асосий репертуари миллий рақслардан таркиб топган жамоанинг мусобақа учун махсус тайёрлаган "Қари наво" рақси барчада қизиқиш уйғотди.

Мусобақа ғолибларига совринлар топширилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Изчил ислоҳотлар йўлида

МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ – ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарни молиявий шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ҳамда ихчамлаштириш, уларни молиявий соғломлаштиришга доир долзарб вазифаларга алоҳида устуворлик берди.

Таъкидлаш жоиз, вилоятимизда жорий йилнинг чорак якунлари таҳлили бўйича молиявий соғломлаштириш белгиланган корхоналарнинг асосий қисмида ижобий ўзгаришлар юз берди. Масалан, ўтган йил охирида Ўзбекистон – Германия ҳамкорлигидаги собиқ "Каолин" қўшма корхонаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки балансига ўтказилиб, "Ангрен каолин" масъулияти чекланган жамияти мақоми билан қайта ташкил этилди. Йилнинг биринчи чорагида корхона 155,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

"Чиноз тўқимачи" корхонаси вилоят хўжалик суди ажрими билан давлат реестридан чиқарилиб, унинг негизида янги "Чиноз текстил" масъулияти чекланган жамияти таркиб топди. Мазкур корхона йил чорагини 835 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан якунлади.

Вилоятни "2009-2010 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури"га мувофиқ иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган 37 та корхонани молиявий соғломлаштириш, таркибий ўзгартириш ҳамда тугатишга доир тезкор чора-тадбирлар белгиланди, "Конмит", "Ўзметкоттон" "Кибо болалар пойабзали", "Янги Вега", "Микрел" қўшма корхоналари, "Оҳангарон минипласт", "Кичкинтой" очиқ акциядорлик жамиятлари, шунингдек, "Болалар таомлари холдинг" хусусий корхонасининг молмулки кредиторлик қарзлари эвазига асосий кредитори бўлган тижорат банклари балансига берилди. "Янгийўлдонмаҳсулотлари", "Резинатехника" очиқ акциядорлик жамиятларининг мол-мулклари очиқ аукционга чиқарилди. Фаолият кўрсатмаётган "Тошкент темир-бетон маҳсулотлари", "Тошкент гўшт", "Сантехқуйма" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Чирчиқ сут", "Металлист" масъулияти чекланган жамиятларига нисбатан солиқ органлари томонидан тегишли чоралар қўлланилди.

– Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг тегишли тижорат банкларидан муддати ўтган қарзларини таркибий ўзгартириш ҳамда уларга ҳисобланган жарималарни қайддан чиқариш белгиланган тартибда ҳукумат комиссиясига киритиб борилди, – деди вилоят Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Камолиддин Тоирбеков. – Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 290-сонли қарорига асосан "Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг "Ипотекабанк"нинг Олмалиқ шаҳар бўлимидан банк кредити бўйича 22 миллиард 200 миллион сўмлик тўловларнинг муддати 12 ойга, "Чирчиққишмаш" очиқ акциядорлик жамиятининг "Ўзсаноат қурилишбанк" Чирчиқ шаҳар бўлимидан 900 миллион сўм миқдоридаги қарзи тўлови муддати эса 9 ойга узайтирилди.

Янгийўл шаҳридаги "Фараз ЛТД" қўшма корхонасининг 123,3 минг АҚШ доллари миқдоридаги, шунингдек, Қибрай туманидаги "Агро Фейшен" хорижий корхонасининг 123 миллион сўм кредит тўловларининг муддати таркибий ўзгартирилди.

Қарор ижроси бўйича "Ўзбекистон ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинати" очиқ акциядорлик жамиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида корхонанинг бюджет тўловлари бўйича мавжуд 1 миллиард 200 миллион сўм жаримаси кечилиб, асосий қарзлари бўйича 1 миллиард 135,4 миллион сўм миқдоридаги тўловлари муддати 2013 йилга қадар узайтирилди. Шунингдек, корхонанинг электр энергиясидан 412,6 миллион, фойдаланилган табиий газ учун 106,2 миллион сўмлик қарзлари тўлови 1 йил муддатга кечиктирилди.

Бундан ташқари, ҳукумат комиссиясида Қибрай туманидаги "Медиз АГ" масъулияти чекланган жамияти фаолияти кўриб чиқилиб, корхонага хом ашё ҳамда зарур эҳтиёт қисмлар сотиб олиши учун 1 миллиард 100 миллион сўм маблағни конвертация қилишда амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, кредит қарзлари бўйича тўлов муддатларини таркибий ўзгартириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Таркибий ўзгартирилаётган корхоналарнинг фойдаланилаётган қувватлари негизида "Чирчиққишмаш"да 3 та, "Эйвалик МТБ" очиқ акциядорлик жамиятида 2 та, "Ангренон" корхонасида 1 та янги корхона ташкил этилиб, уларда жами 2 минг 289 та янги иш ўринлари яратилди. Бу жорий йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 964 та иш ўрни кўпайганлигини кўрсатади.

Ўтган чоракда корхоналарга 5 миллиард 159 миллион сўм ҳамда 300 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Масалан, кейинги ўн йиллар давомида иқтисодий таназзулни бошидан кечириб келаётган Ангрендаги "Кулол" очиқ акциядорлик жамиятига 300 минг АҚШ доллари, "Ангреннон" корхонасига 532,6 миллион, "Бетонинвест" корхонасига 1 миллиард 400 миллион, "Элкол" қўшма корхонасига 203 миллион, "Чиноз текстил" масъулияти чекланган жамиятига 2 миллиард 100 миллион сўм миқдорида инвестиция жалб этилди.

Дарҳақиқат, вилоятда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш натижаларига кўра, жорий йилнинг дастлабки чорагида 16 та иқтисодий ночор ҳамда 20 та зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилди. Бугунга келиб уларнинг 12 тасида ишлаб чиқариш барқарорлашди.

– Бундан ташқари, иқтисодий ночор аҳволда ишлаётган 16 та корхонанинг 6 тасида ижобий ўзгариш ясалди, – дейди К. Тоирбеков. – "Ўзбекқўмир" очиқ акциядорлик жамияти, "Бекободйўлсаноат" ишлаб чиқариш корхонаси, Оҳангарон туманидаги "Эйвалиқмахсус темир-бетон" очиқ акциядорлик жамияти шулар сирасига киради. Айтиш жоиз, иқтисодий ночор корхоналарнинг 50 фоизи саноат, 20 фоизи коммунал хўжалиги, 30 фоизи эса қурилиш соҳасига тўғри келаяпти.

Дарҳақиқат, вилоятимизда иқтисодиётни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилмасини шакллантириш борасида кўламли ишлар қилинмоқда. Бу эса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга, аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашади. Зеро, ҳар қандай иқтисодиёт сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали ривожланади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида дала меҳнаткашлари, умуман, қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар янада кенг қулоч ёймоқда. Бинобарин, давлат дастурида белгиланган вазифалар қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган.

УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР ПАЛЛАСИ

Бу хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшиш учун биринчи галда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдек долзарб масалага жиддий эътибор бериляпти. Тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида "Саломатлик – 2" лойиҳаси бўйича туман марказий шифохонасининг туғуруқ ва шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимлари замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.

Кўп йиллардан бери ўртачирчиқликлар вилоят ва шаҳар шифохоналарига муолажа олиш, ётиб даволаниш учун қатнашар эди. Ишламаётган иккита 50 ўринли терапия бўлимларининг ишга туширилиши бу муаммони ҳал этди. Тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий қиёфага келтирилган 75 ўринли туғруқхона ҳам аҳоли хизматида. Марказий шифохонанинг икки хонали стерилизация бўлими кенгайтирилиб, 6 хонадан иборат блокка айлантирилгани ҳам тиббий хизматни яхшиланишида қўл келяпти.

Давлат дастуридан уйжой қурилишига оид архитектура лойиҳаларини амалга ошириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини яхшилашдек долзарб масалалар ҳам кенг ўрин олган. Шунга биноан, туманда ички йўлларни таъмирлаш мақсадида бюджет ҳисобидан 300 миллион 523 минг сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. 11 та маҳаллада 27 минг 65 километр узунликдаги ички йўлларни таъмирлаш манзилли дастури тасдиқланган. Шу кунгача 37 миллион сўмлик пудрат ишлари бажарилди.

Қишлоқ аҳолисининг газ, электр ва тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, коммунал хизмат сифатини яхшилашга ҳам бу йил янада масъулият билан қаралмоқда. Шу йилнинг ўзида 7 километр масофага газ қувурлари тортилади. Шу мақсадда 495,5 миллион сўмлик иш бажарилади. Натижада, Ўртасарой, Қорасув, Дўстлик, Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Тўйтепа шаҳрининг бир қисмида яшовчи аҳоли табиий газдан узлуксиз фойдалана бошлайди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Туябўғиз, Йўнғичқали қишлоқлари ва Саидовул маҳалласида сув қудуғи қуриш лойиҳаси амалга оширилаяпти.

Янги Турмуш қишлоғида педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежи, Навоий қишлоғида радиотехника ва информатика коллежи қад ростламоқда. Улар шу йил сентябрда ўқувчиларни ўз бағрига олади. Йўнғичқали қишлоғидаги янги мактаб қурилиши қизғин бораяпти. 9 та мактабни капитал таъмирлаш манзилли дастур асосида жадал давом этаяпти. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Ўртасарой, Оқота қишлоқларида савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, маҳалла гузарлари қуриш лойиҳалаштирилмоқда. Қайта реконструкция қилиниши ҳисобига Тўйтепа шаҳри маркази ва деҳқон бозори янада кўркам қиёфа касб этади. Туман ҳудудларидан ўтувчи халқаро ва магистраль автойўлларни кенгайтириш юзасидан ҳам лойиҳа ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан тумандаги Оқота, Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Қайтмас, Муқимий, Қурамаовул-чувилдоқ маҳаллалари компьютер жамланмаси ва мебель жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, давлат дастури асосида бажаришимиз лозим бўлган ишларимиз ҳали кўп. Шунга яраша имкониятлар ҳам бор. Уларни тўлиқ ишга солишга қаратилган саъй-ҳаракатларни изчил давом эттираяпмиз.

Турғун ТЎЛАГАНОВ,
туман ҳокими.

СУРАТДА: Тешабой Мирзакаримов тумандаги донгдор фермерлардан. У хўжалик ерларининг 67 гектарига пахта ва қолган 55 гектарига ғалла экқан. Тажрибали фермер бу йил ҳам мўл ҳосил олишни кўзлаяпти. Заминдор набираси Абдували Тешабоевга ҳам деҳқончиликнинг сир-асрорларини ўргатмоқда.

АСЛ ФЕРМЕР ОБ-ҲАВОГА ЕНГИЛМАЙДИ

Деҳқон бойиса – юрт бойийди, деган гап бор. Ҳақиқатан бугунги қишлоқ мулкдорларимиз, фермерларимизнинг бир қўли баракали пахта ва ғалла хирмонини уяётган бўлса, бир қўли хайру саховат, меҳр-мурувват улашишдан бўшамаяпти. Туманимизда шундай кишиларимизнинг кўплиги бизнинг ютуғимиздир.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилини ёруғ юз билан поёнига етказиш заминдорларимизнинг бу йилги асосий мақсади. 12525 гектар майдонда 31991 тонна пахта ва 13050 гектар ерда 36212 тонналик ғалла хирмонларини уйиш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишяпти. Бунинг учун, аввало, агротехник тадбирларга жиддий эътибор қаратиляпти. Яганалаш, суспензия йўли билан озиқлантириш, культивация қилиш, чопиқ, суғориш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилаяпти. Бу йилги об-ҳаво деҳқончилик учун ноқулай келгани, баҳор мавсуми серёғин бўлгани фермерларимизнинг руҳини тушира олмади. Улар ишга қатъий енг шимариб киришиб, асл деҳқон қандай бўлишини исботлашаяпти. 12350 гектар сувли ва 700 гектар лалми майдондаги ғаллани кўриб кўзингиз қувнайди. Яна ўн кунлардан сўнг ғалла хирмонини кўтара бошлаймиз. Бунинг учун барча керакли шарт-шароитлар тахт.

Бундан ташқари, чорвачиликни ривожлантириш масаласи ҳам доимий эътиборда. Ҳозир туманимизда 55 та чорвачиликка ихтисослашган хўжалик бор. Уларда 4291 бош қорамол, 7710 бош қўй-эчки ва 504 бош от боқилмоқда. Туман аҳолиси қўлидаги чорва моллари ҳам оз эмас. Агар уларни ҳам қўшиб ҳисобласак, қорамоллар сони 36186 бошга етади. Ҳозир 9 та зооветеринария шохобчаси очилган. 8 та ем сотиш пункти ҳам ишлаб турибди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилидаги асосий мақсадимиз фермерларимизнинг иқтисодий салоҳиятларини мустаҳкамлаш, уларнинг қишлоқ аҳли турмуш шароитини яхшилашга янада салмоқли ҳисса қўшишларини таъминлашдан иборатдир.

Тожимамат ХУДОЙҚУЛОВ,
туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Ўртачирчиқ тумани:

ДАСТУР САЛМОҒИГА ЯРАША ИМКОНИЯТ ҲАМ МЎЛ

БУНЁДКОРЛИК КИРМАГАН ГЎША ЙЎҚ

"Ўз уйим – ўлан тўшагим" нақлида ҳикмат кўп. Оиламиз, ўз уйимиз ватан ичра мўъжаз ватан ҳисобланади. Хонадонларимиз, уй-жойларимизни қанчалик обод қилсак, маҳалламиз, шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз шунчалик кўркам ва файзли бўлади.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида қишлоқларимиз қиёфасини кўркамлаштириш, аҳоли турараржойлари ва ижтимоий соҳа иншоотларини ҳам миллий, ҳам замонавий меъморчилик асосида режалаштириш ва намунавий лойиҳалар бўйича барпо этиш тизимини такомиллаштириш масаласига давр талабига мос тарзда ёндашилмоқда. Бошқача айтганда, "қишлоққа шуям бўлаверади" деган эскича қарашлар билан энди муроса қилиб бўлмайди. Бугун қишлоқда янги уй-жойлар, ижтимоий-маданий, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари пухта ишлаб чиқилган бош режа, замонавий лойиҳалар асосида қурилиб, туман марказлари, кўча ва майдонлар ободонлаштирилмоқда.

Янги турмуш қишлоғида бунёд этилаётган педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежи 435 ўринга мўлжалланган. Коллеж лойиҳаси учун давлат томонидан 2 миллиард 340 миллион сўм маблағ ажратилган. Шу кунгача бу маблағнинг 1 миллиард 755 миллион сўми ўзлаштирилиб, ишнинг 75 фоизи уддаланди. Навоий қишлоғидаги радиотехника ва информатика касб-ҳунар коллежи биносини 15 август куни фойдаланишга топширишни мўлжаллаб турибмиз. Уни ҳам "Бинокор қурилиш таъминот" фирмаси барпо этаяпти.

Бу йилдан Йўнғичқали қишлоғида яшайдиган ўғил-қизларимиз янги мактабда ўқий бошлашади. Улар учун 59-умумтаълим мактаби бунёд этиляпти. Унинг қурилишига 1 миллиард 300 миллион сўм сарфланади. Бу ерда "Таромуш" хусусий фирмаси қурувчилари меҳнат қилишмоқда.

Бундан ташқари, капитал таъмирлаш ҳисобига 5-, 23- ва 51-мактаблар замонавий қиёфага келтирилади. Навоий қишлоғида 4 та, Йўнғичқали, Дўстлик, Қумовул, Янги турмуш қишлоқлари ва "Кончи" маҳалласида биттадан мактабни мукаммал реконструкция қилиш бошлаб юборилди. Уларнинг барида қурилиш ишлари 1 июль куни якунига етади.

Туманимизда ободонлаштириш ишлари ҳам жиддий эътиборда. Бу йил 140 минг дона дарахтларга шакл берилиб, оқланди. 76 минг 817 туп мевали, 82 минг 500 туп терак ва манзарали дарахт кўчатлари, 26 минг 400 дона гул кўчатлари экилди. 250 та кам таъминланган оиланинг уйлари таъмирлаб берилди. Бу иш корхона, ташкилот ва маҳалла аҳолисининг ташаббуси ва кўмаги билан амалга оширилди.

Комилжон ТУРДИҚУЛОВ,
ҳокимнинг биринчи ўринбосари.

СУРАТДА: Дўстлик қишлоғи "Галаботир" маҳалласидаги 29-умумтаълим мактабида "Евроэксклюзивтаъмирлашқурилиш" корхонаси 80 ўринли қўшимча ўқув биносини қуриб, асосий мактаб биносини мукаммал таъмирламоқда. Бунинг учун 232 миллион 703 минг сўм ажратилган. (ўнгдан) корхона иш юритувчиси Рамазон Хушвақтов ва дурадгор Абдумажид Ботиров ўзаро маслаҳатда.

СУРАТДА: йўл таъмирлаш ишлари авжида.

- *Туман 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган бўлиб, бугунги кунда аҳолиси 171 минг кишига етди. Шундан меҳнатга лаёқатли аҳоли 97 минг 500 киши.*
- *Туманда "Spentex Tashkent Tuytepa" хорижий корхонаси, "TSI – Корасув пахта" қўшма корхонаси ва "Темир бетон қурилмалари" очиқ акциядорлик жамияти каби энг йирик ва иқтисодий салоҳиятли корхоналар фаолият юритмоқда.*
- *Шу йилнинг учинчи чорагида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган "Секко Александри" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси ишга туширилади. Лойиҳа учун 80 минг евро миқдорида хорижий сармоя киритилмоқда.*
- *Йил бошидан 58 та янги кичик корхона ва микрофирма ташкил этилиб, уларда 306 та иш ўрни яратилди. Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 175 киши иш билан таъминланди.*

БУ ЙЎЛЛАРДАН ҲАВАСГА ЮРАСИЗ

Тўйтепага кириб боришдаги "Тошкент – Ўш" магистраль йўли ана шундай сифатли таъмирланмоқда. Бу ишни пойтахтдаги "Карвон йўл" хусусий фирмасининг 9 нафар ишчиси бажаряпти.

Швециядан келтирилган "Svedala" ва Германиянинг "Дупарас" тамғаси остидаги замонавий техникалардан фойдаланилаётгани, "Болта АБЗ" корхонаси асфальтни узлуксиз етказиб бераётгани учун ишда узилиш бўлмаяпти.

Таъмирлаш лойиҳасида белгиланган жойларда ўтиш учун ариқлар ўрнига бетон қувур ётқизилиб, унинг устини ҳам асфальтлаш кўзда тутилган.

Энг асосийси, таъмирлашдан сўнг йўлнинг эни 1 метрга кенгаяди.

ТИЛАГАНИМИЗ ФАҚАТ СОҒЛИҚ

Бир неча йил бурун туман марказий шифохонаси жуда хароб, маъмурият ва бўлимлар биноси таъмирга муҳтож эди. Қорёмғирли кунларда томлардан чакка ўтавериб, ходимлар ва беморлар безор бўлишарди. Айниқса, беморнинг касалини аниқлаб, тўғри ташхис қўйиш кўп вақт оларди. Чунки керакли тиббий асбоб-ускуналар етишмасди. Беморлар УЗИ ва ЭКГ аппаратларига тушиб, касалликлари тўғрисидаги хулосаларни олиш учун бошқа жойларга бориб келишга мажбур бўлишар, натижада даволашни бошлаш чўзилиб, аҳволлари оғирлашиб қоларди.

Мана, энди қийинчиликлар ортда қолди. Шифокор ва ҳамшираларишда ҳеч қандай камчиликни сезишмаяпти. Ҳамма нарса бадастир. Беморлар бу ердан дард кўрмагандек бўлиб кетишяпти.

Йўлаклардан тортиб, маъмурият ва барча бўлимлар, ҳаттоки ошхона, автомобиллар тураржойи таъмирланиб, замонавий қиёфага келтирилди. Турли манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, ранг-баранг гуллар экилиб, атроф ободонлаштирилди.

– Кўп йиллардан бери маҳаллий аҳоли ётиб даволаниш учун тумандан бир неча километр узоқликдаги вилоят ва шаҳар шифохоналарига қатнарди, – дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Улуғбек Дадабоев. – Ўтган йилнинг охирида 25 ўринли биринчи терапия ва шу йилнинг бошида иккинчи терапия бўлимининг ишга туширилиши билан бу муаммо ҳам ечилди.

Бу икки бўлимда юрак, ўпка, ошқозон, жигар, йод танқислиги, метаболик ўзгаришлар, ўсма, қон босими, ички ва эндокринологик касалликлар даволаняпти. Шу кунгача 847 бемор дардига шифо топди.

– Мени бўғин ва умуртқа поғонаси оғриғи жуда безовта қиларди, – дейди тўйтепалик Мавлуда Отахўжаева. – Бу ерга келганимга тўрт кун бўлганига қарамай, дардим аригандек бўлди. Ўзимни анча яхши ҳис қиляпман. Шундай меҳрибон, қўли енгил ва ширинсўз шифокору ҳамшираларнинг борига шукр. Айниқса, шифохонада яратилган шароитлардан мамнун бўлдим.

Яна бир гап. Шу йилнинг ўзида шифохонанинг туғуруқ ва шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари "Саломатлик – 2" лойиҳаси доирасида бир қанча тиббий ускуна ва жиҳозлар, жумладан, УЗД, ИВЛ ва наркоз аппаратлари, жарроҳлик ускуналари тўплами билан жиҳозланди. Йил бошидан 30 нафар шифокор малака ошириб келган бўлса, 17 нафари умумий амалиёт шифокори курсида таҳсил олмоқда. 97 нафар ўрта тиббий ходим ҳам соҳа янгиликларидан хабардор бўлиб бормоқда. Даволаш-профилактика муассасаларини ёш мутахассислар билан таъминлаш мақсадида 10 нафар ходим ишга олинди. Янги қабул қилинган 53 нафар ёш мутахассис ҳам самарали меҳнат қилаётир.

Хуллас, қишлоқларда, айниқса, чекка жойларда тиббий маданиятни ошириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, энг асосийси соғлом авлод туғилиши учун барча шарт-шароитларни яратишга интилиш кучайиб бормоқда.

СУРАТДА: 1-терапия бўлими мудири Малика Умурзоқованинг ширин муомаласи-ю эътиборидан барча беморлар мамнун.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Хуршида НАЗАРОВА ва Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрлади.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 8

OʻZBEKISTON

15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Қирол Сежонг». Т/с.
16.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўйлар ва ранглар суҳбати».
16.35 «Бир кун».
17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
17.15 «Ҳаёт ва қонун».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.50 «Изҳор».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Сериал «Бобур».
18.40 «Мен туғилган юрт».
19.00 «Буюк аждодларимиз».
19.20 «ТВ - шифокор».
20.05 «Қирол Сежонг». Т/с.
20.45 «Ватанимни қуйлайман».
21.30 «Парламент вақти».
21.50 «Робин Гуд». Т/с.
22.45 «Йигит кўнгли». Т/с.

YOSHLAR

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Табассум қил!».
8.00 «Қадрдон қўшиқлар».
8.10, 18.10 Т/с «Ҳаёт сабоқлари».
8.45 «Ватан меҳри».
8.55, 11.55, 15.55, 17.30 «Ўзбек адабиёти».
9.00, 15.30, 17.00 «Даврнинг боласи».
9.30, 21.50 «Робин Гуд». Т/с.
9.20 «Маънавият» дастури.
10.20 «Очун».
10.30 Андижон вилоят телерадиокомпанияси намойиш этади: «Андижон томонларда».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 19.20 «ТВ - шифокор».
11.15, 20.05 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кўриҳона манзаралари».
12.55, 18.05 Сериал «Бобур».
13.35 «Эски альбом».
13.40 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
14.20 «Рангин дунё».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Коинот».
15.55 «Ҳамон ёдимда...».
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.15 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «ТВ - бизнес хабарлари».
18.00 «Олтин мерос».
18.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сўзана».
19.00 «Навоийни англаш».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.30 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
22.45 «Йигит кўнгли». Т/с.

YOSHLAR

14.55 «Yoshlar» саломи».
15.00 «Ватанпарвар».
15.40 «Миллий мультфильм».
15.50 «Болалар илҳоми».
15.55, 20.50 «Ўзбек адабиёти».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Тасвир ва таассурот».
16.30 «Болалар давраси».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Троллар ўлкаси». М/ф.
17.30 «Ўзбек адабиёти».
17.35 «Қишлоқ ва таълим».
17.45 «Олтин тупроқ».
17.55 «Тошкент таронаси».
18.00 «Келажак эгалари».
18.10 Т/с «Ҳаёт сабоқлари».
18.45 «UzEX».
18.50 «Тошкент – 2200».
19.30 «Ўғирланган орзу». Т/с.
20.20 «Футбол – 2009».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.55 «Кўнгил».
22.30 Б/ф «Ўнта негр боласи».
23.35 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

7.25, 13.00 «Салом, Тошкент!».
8.30 «Кизикувчан маймунча». М/ф.
9.50, 17.45 «Карвонсарой».
10.05, 14.50, 17.25, 21.50 «Тошкент-2200».
10.10 «Олтин водий усталари». Т/ф.
10.40 «Мафусаил». Б/ф.
12.35 «Саргузаштлар ороли».
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Ягонамсан, Тошкентим».
15.00, 18.30, 20.00, 21.30 «Пойтахт».
15.25 «Галактика». Д/ф.
16.15 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Б/ф.
17.35 «Ака-ука Гриммлар». М/ф.
17.55, 21.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Аёл қалби».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Ўйларим».
19.50 «Будьте здоровы».
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.00 «Милагрос». Т/с.
22.15 «Кино SMS со звёздами».
22.20 «Дом со скидкой». Х/ф.

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.35 «Малахов +».
9.30 «Версия».
10.05 «Фазовий футбол». Сериал.
10.30 Дзюдо.
11.00 «Профринг».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.55 «Олимп сари йўл».
19.10 «Азия лото».
19.55 Теннис.
20.55 «Футбол шарҳи».
21.55 Футбол.

Марказ

7.00, 8.30, 10.30, 13.50, 18.00, 19.00 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 21.00 Сериал «Кайл ХУ».
11.00 «Гладиатор». Х/ф.
14.30 «Премьера».
15.30 Мультфильм.
17.00 «Baby Terra Landiya».
17.30 «Кинокурьер».
22.00 «Война на невест». Х/ф.
23.50 Миксер.

СофТС

8.00 Сериал «Ранетки».
8.50, 12.40, 19.15, 20.10 Сериал «Папины дочки».
9.20, 11.00, 13.50, 16.20 «Мир в твоей тарелке».
10.10, 14.40 «Мать и дочь».
11.25, 16.45 «Друзья моего хозяина».
11.50, 17.10, 18.50 «Гнездо».
12.15, 20.40, 22.20 «6 кадров».
13.10, 22.45 Музыка.
15.30, 21.05 Сериал «Рыжая».
17.25 «Галилео».
19.45, 21.55 «Истории в деталях».

Утерянный аттестат о среднем образовании O`R-B № 0093342 от 16.06.2001 г. выданный школой № 41 Куйичирчикского района Ташкентской области на имя Шакировой Фатиме Асановны,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

СЕШАНБА 9

OʻZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.05 «Изҳор».
7.10 ТелеТеатр: «Қаллиқ ўйин».
7.50 «Рақснинг сеҳрли олами».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.30, 21.50 «Робин Гуд». Т/с.
9.20 «Маънавият» дастури.
10.20 «Очун».
10.30 Андижон вилоят телерадиокомпанияси намойиш этади: «Андижон томонларда».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 19.20 «ТВ - шифокор».
11.15, 20.05 «Қирол Сежонг». Т/с.
12.55, 18.05 Сериал «Бобур».
13.35 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
14.15 «Минг бир ривоят».
14.20 «Ойдин ҳаёт».
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Коинот».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.15 «Дунё манзаралари».
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.15 «Ҳудудлар ҳаёти».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «ТВ - бизнес хабарлари».
18.00 «Олтин мерос».
18.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сўзана».
19.00 «Навоийни англаш».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.30 «Одамлардан бири».
22.45 «Йигит кўнгли». Т/с.

YOSHLAR

14.55 «Yoshlar» саломи».
15.00 «Ватанпарвар».
15.40 «Миллий мультфильм».
15.50 «Болалар илҳоми».
15.55, 20.50 «Ўзбек адабиёти».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Тасвир ва таассурот».
16.30 «Болалар давраси».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Троллар ўлкаси». М/ф.
17.30 «Ўзбек адабиёти».
17.35 «Қишлоқ ва таълим».
17.45 «Олтин тупроқ».
17.55 «Тошкент таронаси».
18.00 «Келажак эгалари».
18.10 Т/с «Ҳаёт сабоқлари».
18.45 «UzEX».
18.50 «Тошкент – 2200».
19.30 «Ўғирланган орзу». Т/с.
20.20 «Футбол – 2009».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.55 «Кўнгил».
22.30 Б/ф «Ўнта негр боласи».
23.35 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

7.25, 13.00 «Салом, Тошкент!».
8.25, 19.40 Бизнес-«Пойтахт».
8.30, 18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20, 17.45 «Карвонсарой».
9.30, 10.30, 15.00, 18.30, 20.00, 21.30 «Пойтахт».
9.40, 12.55, 15.20, 18.25, 20.55 «Тошкент-2200».
9.45 «Тошкентда латифа».
9.55, 20.50 «Ўйларим».
10.00, 17.55, 21.55 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Будьте здоровы».
10.40, 21.00 «Милагрос». Т/с.
11.10 «Бекхэмдан қолишма». Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Ягонамсан, Тошкентим!».
15.25 «Ўсимликлар олами». Д/ф.
16.15 «Бор эканда, йўқ экан». Б/ф.
17.35 «Ака-ука Гриммлар». М/ф.
18.15 «Ҳимоя».
19.45 «Профессионал»!
20.20 «Репортаж».
20.30 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига: «Менинг маҳаллам».
22.15 «Кино SMS со звёздами».
22.20 «Без изъяна». Х/ф.

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
7.50, 18.00 «Тет-а-тет».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20 «Малахов +».
9.05 «Фазовий футбол». Сериал.
10.00 «Футбол шарҳи».
10.30 Дзюдо.
11.00 «Олимпийский манифест». Д/ф.
12.00 Пляжный футбол.
13.00 Концерт.
18.10 «Баркамол авлод».
18.55 Академическая гребля.
19.25 Теннис.
20.55 Таэквондо.
21.55 Футбол.

Марказ

7.00, 8.30, 10.30, 12.50, 18.00, 19.00 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 21.00 Сериал «Кайл ХУ».
11.00 «Война невест». Х/ф.
14.30 «Jannat Makon».
15.30 Мультфильм.
17.00 «Baby Terra Landiya».
17.30 Премьера.
22.00 «Дежа-вю». Х/ф.
00.20 Миксер.

СофТС

8.00, 17.35 Сериал «Кадетство».
8.50, 12.40, 19.15, 20.10 Сериал «Папины дочки».
9.20, 13.50 «Мир в твоей тарелке».
10.10, 14.40 «Мать и дочь».
11.00, 16.20 «Сладкие истории».
11.25, 16.45 «В интересном положении».
11.50, 17.10, 18.50 «Гнездо».
12.15, 20.40, 22.20 «6 кадров».
13.10, 22.45 Музыка.
15.30, 21.05 Сериал «Рыжая».
18.25 «Галилео».
19.45, 21.55 «Истории в деталях».

ЧОРШАНБА 10

OʻZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.05 «Изҳор».
7.10 ТелеТеатр: «Қаллиқ ўйин».
7.50, 18.00 «Олтин мерос».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.30, 21.50 «Робин Гуд». Т/с.
9.20 «Маънавият» дастури.
10.20 «Чорраҳа».
10.40 «Ягона оилада».
11.10, 19.20 «ТВ - шифокор».
11.15, 20.05 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кўриҳона манзаралари».
12.55, 18.05 Сериал «Бобур».
13.35 «Эски альбом».
13.40 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
14.20 «Рангин дунё».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Коинот».
15.50 «Минг бир ривоят».
15.55 «Ҳамон ёдимда...».
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.15 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Гирдоб».
19.05 «Ҳаёт қўшиғи».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.30 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
22.45 «Йигит кўнгли». Т/с.

YOSHLAR

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Табассум қил!».
8.00 «Қадрдон қўшиқлар».
8.10, 18.10 Т/с «Ҳаёт сабоқлари».
8.45 «Рақслар гулдастаси».
8.55, 12.50, 14.50, 15.55, 17.30 «Ўзбек адабиёти».
9.00, 15.30, 17.00 «Даврнинг боласи».
9.10 «Қувноқ дўмбоқчалар».
9.25 «Келажак эгалари».
9.35 «Соғлик – бойлик».
9.55, 18.45 «UzEX».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10, 19.30 «Ўғирланган орзу». Т/с.
10.55 «Қишлоғимга хат».
11.00 «Мўъжизавий дунё».
11.50 «Ижод завқи».
12.10 «Ғолиб». Т/с.
13.10 «Ёшлик баёзи».
13.20 «Тошкент таронаси».
13.30, 21.00 «Шерюрак». Т/с.
14.20 «Эверест».
14.50 «Олтин тупроқ».
15.40 «Миллий мультфильм».
15.50 «Болалар илҳоми».
16.10 «Тасвир ва таассурот».
16.30 «Болалар давраси».
17.10 «Троллар ўлкаси». М/ф.
17.35 «Ёшлар ва таълим».
17.45 «Ҳаёт завқи».
18.00 «Бепарво бўлманг!».
18.50 «Тошкент – 2200».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Бугундан эсдалик».
21.55 «Кўнгил».
22.30 Б/ф «Тўйлар муборак!».
23.35 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

7.25, 13.00 «Салом, Тошкент!».
8.25, 19.40 Бизнес-«Пойтахт».
8.30, 18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20, 17.45 «Карвонсарой».
9.30, 10.30, 15.00, 18.30, 20.00, 21.30 «Пойтахт».
9.40, 12.55, 16.20, 18.25, 20.55 «Тошкент-2200».
9.45 «Тошкентда латифа».
9.55, 20.50 «Ўйларим».
10.00, 17.55, 21.55 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Будьте здоровы».
10.40, 21.00 «Милагрос». Т/с.
11.15 «Тошкентда латифа».
11.20 «Йўқолган омад». Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Ягонамсан, Тошкентим!».
15.20 «Усимликлар олами». Д/ф.
16.20 «Дубравка». Б/ф.
17.35 «Ака-ука Гриммлар». М/ф.
18.15 «Эртамиз эгалари».
19.45 «Дурдона».
19.55 «Тошкент-2200».
20.30 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига: «Менинг шаҳрим».
20.45 «Этиқод».
22.15 «Кино SMS со звёздами».
22.20 «Афоня». Х/ф.

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
7.50, 18.00 «Тет-а-тет».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20 «Малахов +».
9.05 «Фазовий футбол». Сериал.
10.00 Пляжный футбол.
11.00, 19.00, 22.30 Футбол.
18.10 «Баркамол авлод».
20.50 «Формула-1».
21.55 Таэквондо.

Марказ

7.00, 8.30, 10.30, 13.20, 17.00, 19.00, 20.30 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 21.00 Сериал «Кайл ХУ».
11.00 «Джа вю». Х/ф.
14.30 «Кинокурьер».
15.30 Мультфильм.
17.30 «Бизнинг мусика».
20.00 «M-Files».
22.00 «Ахиллес и черепаха». Х/ф.
00.20 Миксер.

СофТС

8.00, 17.35 Сериал «Кадетство».
8.50, 12.40, 19.15, 20.10 Сериал «Папины дочки».
9.20, 13.50 «Мир в твоей тарелке».
10.10, 14.40 «Мать и дочь».
11.00, 16.20 «ИноСтранная кухня».
11.25, 16.45 «Детская».
11.50, 17.10, 18.50 «Гнездо».
12.15, 20.40, 22.20 «6 кадров».
13.10, 22.45 Музыка.
15.30, 21.05 Сериал «Рыжая».
18.25 «Галилео».
19.45, 21.55 «Истории в деталях».

ПАЙШАНБА 11

OʻZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.05 «Изҳор».
7.10 ТелеТеатр: «Қаллиқ ўйин».
7.50, 17.55 «Олтин мерос».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.30, 21.50 «Робин Гуд». Т/с.
9.20 «Маънавият» дастури.
10.20 «Цирк, цирк, цирк».
10.35 «Мулкдор».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 19.20 «ТВ - шифокор».
11.15, 20.05 «Қирол Сежонг». Т/с.
12.55, 18.05 Сериал «Бобур».
13.35 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
14.20 «Бир ўлка-ки...».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Коинот».
15.55 «Очиқ дарс».
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.15 «Юрт меҳри».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.45 «Очун».
19.00 «Камолот остонаси».
20.45 «Соз сеҳри».
21.30 Тошкент – 2200. «Тарих кўзгуси».
22.45 «Йигит кўнгли». Т/с.

YOSHLAR

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Табассум қил!».
8.00 «Қадрдон қўшиқлар».
8.10, 18.10 Т/с «Ҳаёт сабоқлари».
8.45 «Рақслар гулдастаси».
8.55, 12.50, 15.55, 17.30 «Ўзбек адабиёти».
9.00, 15.30, 17.00 «Даврнинг боласи».
9.10 «Қувноқ дўмбоқчалар».
9.25 «Ёшлар ва таълим».
9.35 «Автопатруль».
9.55, 18.45 «UzEX».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10, 19.30 «Ўғирланган орзу». Т/с.
10.55 «Қишлоғимга хат».
11.00 «Мўъжизавий дунё».
11.50 «Ижод завқи».
12.10 «Ғолиб». Т/с.
13.10 «Ёшлик баёзи».
13.20 «Тошкент таронаси».
13.30, 21.00 «Шерюрак». Т/с.
14.20 «Эверест».
14.50 «Олтин тупроқ».
15.40 «Миллий мультфильм».
15.50 «Болалар илҳоми».
16.10 «Тасвир ва таассурот».
16.30 «Болалар давраси».
17.10 «Троллар ўлкаси». М/ф.
17.35 «Ёшлар ва таълим».
17.45 «Ҳаёт завқи».
18.00 «Бепарво бўлманг!».
18.50 «Тошкент – 2200».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Соз сеҳри».
21.55 «Кўнгил».
22.30 Б/ф «Тўйлар муборак!».
23.35 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

7.25, 13.00 «Салом, Тошкент!».
8.25, 19.40 Бизнес-«Пойтахт».
8.30, 18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20, 17.45 «Карвонсарой».
9.30, 10.30, 15.00, 18.30, 20.00, 21.30 «Пойтахт».
9.40, 10.25, 16.10, 21.50 «Тошкент – 2200».
9.45, 20.20 «Интервью».
9.55, 19.55 «Ўйларим».
10.00, 17.55, 21.55 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Тошкентда латифа».
10.40, 21.00 «Милагрос». Т/с.
11.10 «Ярим бахт». Б/ф.
12.50 «Дурдона».
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 Камер оркестрининг концерти.
15.20 «Ўсимликлар олами». Д/ф.
16.15 «Аловуддиннинг сеҳрли чироғи». Б/ф.
17.35 «Ака-ука Гриммлар». М/ф.
18.15 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Юртим жамоли».
19.45 «Экономическое – ревю».
20.30 «Тошкент оқшомлари».
22.15 «Кино SMS со звёздами».
22.20 «Астерикс и Обеликс на олимпийских играх». Х/ф.

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
7.50, 18.00 «Тет-а-тет».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20 «Малахов +».
9.05 «Фазовий футбол». Сериал.
10.00 Пляжный футбол.
11.00, 21.55 Футбол.
18.10 «Халқ ўйинлари».
18.55 Академическая гребля.
19.35 «Футбол мундиал».
19.55 «Формула-1».
20.55 «Ринг қироллари».

Марказ

7.00, 8.30, 13.20, 17.30, 19.00, 20.30 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 21.00 Сериал «Кайл ХУ».
11.00 «Ахиллес и черепаха». Х/ф.
14.30 Премьера.
15.30 Мультфильм.
17.00 «Baby Terra Landiya».
20.00 «Jannat Makon».
22.00 «Улфатлар». Х/ф.
23.50 Миксер.

СофТС

8.00, 17.35 Сериал «Кадетство».
8.50, 12.40, 19.15, 20.10 Сериал «Папины дочки».
9.20, 13.50 «Мир в твоей тарелке».
10.10, 14.40 «Мать и дочь».
11.00, 16.20 «Полевые работы».
11.50, 17.10, 18.50 «Гнездо».
12.15, 20.40, 22.20 «6 кадров».
13.10, 22.45 Музыка.
15.30, 21.05 Сериал «Рыжая».
18.25 «Галилео».
19.45, 21.55 «Истории в деталях».

ЖУМА 12

OʻZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.05 «Изҳор».
7.10 ТелеТеатр: «Майсаранинг иши».
7.50 «Олтин мерос».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.30, 21.50 «Робин Гуд». Т/с.
9.20 «Маънавият» дастури.
10.20 «Болалар дунёси».
10.40 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
11.10, 19.20 «ТВ - шифокор».
11.15, 20.05 «Қирол Сежонг». Т/с.
12.55, 18.05 Сериал «Бобур».
13.40 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
14.20 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Олам ва одам» дастури: «Ой».
15.35 «Умр манзаралари».
16.20 «Зийнат».
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.15 «Саломатлик дастури».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ҳаёл».
19.00 «Ҳидоят сари».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.30 «Муқаддас қадамжолар».
22.45 «Йигит кўнгли». Т/с.

YOSHLAR

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Табассум қил!».
8.00 «Қадрдон қўшиқлар».
8.10, 18.10 Т/с «Ҳаёт сабоқлари».
8.45 «Рақслар гулдастаси».
8.55, 12.50, 15.55, 17.30 «Ўзбек адабиёти».
9.00, 15.30, 17.00 «Даврнинг боласи».
9.10 «Қувноқ дўмбоқчалар».
9.25 «Китоб – офтоб».
9.35 «Автопатруль».
9.55 18.45 «UzEX».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10, 19.30 «Ўғирланган орзу». Т/с.
10.55 «Қишлоғимга хат».
11.00 «Мўъжизавий дунё».
11.50 «Ижод завқи».
12.10 «Ғолиб». Т/с.
13.10 «Ёшлик баёзи».
13.20 «Тошкент таронаси».
13.30, 21.00 «Шерюрак». Т/с.
14.20 «Эверест».
14.40 «Чемпион».
15.40 «Миллий мультфильм».
15.50 «Болалар илҳоми».
16.10 «Тасвир ва таассурот».
16.30 «Болалар давраси».
17.10 «Троллар ўлкаси». М/ф.
17.35 «Бугундан эсдалик».
17.55 «Темурхон наслига».
18.00 «Келажак эгалари».
18.50 «Тошкент – 2200».
20.20 «Уймимдаги фариштам».
20.40 «Yoshlar-FM».
21.55 «Кўнгил».
22.30 Б/ф «Ишдаги ишқ».
23.40 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

7.25, 13.00 «Салом, Тошкент!».
8.25, 19.40 Бизнес-«Пойтахт».
8.30, 18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20, 17.45 «Карвонсарой».
9.30, 10.30, 15.00, 18.30, 20.00, 21.30 «Пойтахт».
9.40, 11.25, 16.10, 21.50 «Тошкент – 2200».
9.45 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Юртим жамоли».
10.00, 17.55, 21.55 «Телекурьер-маркет».
10.20, 20.20 «Репортаж».
10.40, 21.00 «Милагрос». Т/с.
11.10, 17.35 «Эртамиз эгалари».
11.30, 19.45 «Уйларим».
11.35 «Дала ховли». Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Экономическое-ревю».
15.20 «Усимликлар олами». Д/ф.
16.15 «Қизил қор ёққанда». Б/ф.
17.35 «Афиша».
18.15 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига: «Менинг шаҳрим».
19.50 «Саломат бўлинг!»
20.30 «Нима учун?».
22.15 «Кино SMS со звёздами».
22.20 «Тайна Мунакра». Х/ф.

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
7.50, 18.00 «Тет-а-тет».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30, 21.55 «Хабарлар».
8.20 «Малахов +».
9.05 «Фазовий футбол». Сериал.
10.00 Армрестлинг.
10.30 Пляжный футбол.
11.30, 18.55 Футбол.
18.10 «Баркамол авлод».
19.45 «ГОЛ».
20.45 «Стать ближе».

Марказ

7.00, 8.30, 10.30, 12.50, 17.00, 18.00, 19.00 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 21.00 Сериал «Кайл ХУ».
11.00 «Улфатлар». Х/ф.
14.30 «M-Files».
15.30 Мультфильм.
17.30 Премьера.
20.00 «Тўнлар муборак».
22.00 «Микс». Х/ф.
23.50 Миксер.

СофТС

8.00, 17.35 Сериал «Кадетство».
8.50, 12.40, 19.15, 20.10 Сериал «Папины дочки».
9.20, 13.50 «Дом с мезонином».
9.45, 14.15 «Детская».
10.10, 14.40 «Декоративные страсти».
10.35, 15.05 «С белого листа».
11.00, 16.20 «Кулинарный техникум».
11.25, 16.45 «Спросите повара».
11.50, 17.10, 18.50 «Гнездо».
12.15, 20.40, 22.20 «6 кадров».
13.10, 22.45 Музыка.
15.30, 21.05 Сериал «Рыжая».
18.25 «Галилео».
19.45, 21.55 «Истории в деталях».

ШАНБА 13

OʻZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.10 ТелеТеатр: «Майсаранинг иши».
7.50 «Олтин мерос».
8.00, 14.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40 «Кичик дўстларнинг саргузаштлари». М/ф.
9.35 «Мусиқа дунёси».
9.55 «Минг бир ривоят».
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 «Рангинкамон». «Дидар».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20, 20.05 «Қирол Сежонг». Т/с.
13.10 Сериал «Бобур».
13.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нақшлар камалаги».
14.20 «Азизим».
14.50 «Ҳандалак».
15.10 Миллий кино: «Осмон яқин».
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.05 «Минг бир маслаҳат».
17.25 «Оҳанрабо».
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 «Очун».
18.40 «Очиқ дарс».
19.20 «ТВ - шифокор».
20.45 «Шарқ тароналари».
21.40 «КиноТеатр».
22.05 «Робин Гуд». Т/с.

YOSHLAR

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Табассум қил!».
8.00 «Қадрдон қўшиқлар».
8.10 Т/с «Ҳаёт сабоқлари».
8.45 «Рақслар гулдастаси».
8.55, 12.50, 15.55, 18.30, 21.55 «Ўзбек адабиёти».
9.00, 15.30, 17.00 «Даврнинг боласи».
9.10 «Навоий набиралари».
9.20 «Динотопия». Б/ф.
9.50 «Ўзбек адабиёти».
9.55 «UzEX».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10, 19.30 «Ўғирланган орзу». Т/с.
10.55 «Қишлоғимга хат».
11.00 «Уймимдаги фариштам».
11.20 «Ватан меҳри».
11.30 Б/ф «Йўқолган одам».
12.55 «Юртим юраги».
13.10 «Yoshlar-FM».
13.30, 21.00 «Шерюрак». Т/с.
14.20 «Таранnум».
15.40 «Миллий мультфильм».
15.50 «Болалар илҳоми».
16.10 «Сеҳрли қўлдар».
16.30 «Болалар давраси».
17.10 «Сеҳрли тун». Б/ф.
18.20 «Болалар табассуми».
18.35 «Чемпион».
18.55 «Тошкент – 2200».
20.20 «Айланай...».
20.40 «13-студия».
22.30 Б/ф «Кутубхоначи».
00.00 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

7.25, 13.00 «Салом, Тошкент!».
8.25, 19.40 Бизнес-«Пойтахт».
8.30, 18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20, 17.45 «Карвонсарой».
9.30, 10.30, 18.30, 20.00, 21.30 «Пойтахт».
9.40, 21.50 «Тошкент-2200».
9.45, 19.45 «Интервью».
9.55 «Уйларим».
10.00, 17.55, 21.55 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Саломат бўлинг!»
10.40, 21.00 «Милагрос». Т/с.
11.10, 17.35 «Афиша».
11.20 «Қахрамон». Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Всё о туризме».
15.20 «Ушалган орзулар». Т/ф.
15.45 «Мулоҳаза учун мавзу».
16.10 «Қандай гўзал бу дунё». Т/ф.
16.25 «Сеҳрли эртак». Б/ф.
18.15 «Истеъдод».
19.55 «Тошкентда латифа».
20.20 «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили». «Тошкент ва тошкентликлар».
22.15 «Кино SMS со звёздами».
22.20 «Ларго Винч: начало». Х/ф.

SPORT

8.00 «Бодрое утро».
8.50 «Тет-а-тет».
9.00, 10.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
9.25 Стрельба из лука.
10.25 «Файтер».
10.50 «Военное дело».
11.10 Пляжный футбол.
12.00 «Ракибингиз гроссмейстер».
12.20 Футбол.
18.00 «Соғлом оила».
18.55 «Фоторевю».
19.15 Спортивная гимнастика.
19.55 «Ринг».
20.25 Теннис.
21.55 «Унутилган чемпион». Б/ф.

Марказ

7.00, 12.50, 18.20, 21.00 Ўзбек наволари.
9.30 Мультфильм.
11.00 Baby hits.
11.00 «Микс». Х/ф.
16.00 «Парк Юрского периода-3». Х/ф.
20.00 «Бизнинг мусика».
21.30 «Премьера».
22.00 «Форсаж-4». Х/ф.
00.00 «Другое видео».

СофТС

8.00, 22.20 Музыка.
9.00, 16.05 Сериал «Папины дочки».
11.05, 21.55 «6 кадров».
11.30 «Жизнь прекрасна».
13.10 «Самый умный».
14.45 «Истории в деталях. Спецвыпуск».
15.15 «Галилео».
16.05 Сериал «Папины дочки».
17.15 Сериал «Рыжая».
21.30 «Истории в деталях. Дайджест».

ЯКШАНБА 14

OʻZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.10 «Очиқ дарс». Б/ф.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Бизнинг кутубхона».
8.50 «Бемби». М/ф.
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир ҳунар».
10.35 «Ойдин ҳаёт».
11.20 «Ҳамон ёдимда...».
13.10 «Очиқ дастурхон».
13.40 Ҳинд киноси: «Чунки... бу тақдир».
16.15 «Маугли». М/ф.
17.50 «Буюк аждодларимиз».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
19.20 «Олтин мерос».
19.30, 21.00 «Таҳлилнома».
20.05 Сериал «Денгиздан томчи».
20.35 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.40 «Заковат».
22.45 «Токи ҳаёт эканмиз». Б/ф.

YOSHLAR

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Якшанба нонуштаси».
7.20 «Табассум қил!».
7.30 «Kinimaniya».
8.00 Б/ф «Мимино».
9.30 «Қадрдон қўшиқлар».
9.40 «Соғлик – бойлик».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Ўғирланган орзу». Т/с.
11.25, 13.25, 17.10, 20.40 «Ўзбек адабиёти».
11.30 «Болалар давраси».
12.00 «Эртаклар оламида».
13.15 «Ватан меҳри».
13.30 «Шерюрак». Т/с.
14.15 «Тошканди азим».
14.20 «Камолот».
14.30 «Эверест».
15.00 «Ранглар Рақси».
15.40 «Кўзгу».
16.00 «Жумонг». Т/с.
17.15 «Тошкент таронаси».
17.20 «Уч кунлик дунё».
18.50 «Тошкент – 2200».
19.00 «Давр».
19.30 «Рўзғор мактаби».
20.00 «Таранnум».
20.45 Б/ф «Қалб туғёни».
23.45 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

7.25, 13.00 «Салом, Тошкент!».
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.30 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20, 15.50 «Карвонсарой».
9.30, 10.30 «Пойтахт».
9.40 «Репортаж».
9.50 «Тошкент-2200».
9.55, 15.30, 21.15 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Истеъдод».
10.40 «Афиша».
10.50 «Жуманжи». Б/ф.
12.35 «Саргузаштлар ороли».
14.05 «Эргинамнинг орз

Яхши дам – меҳнатга ҳамдам

«МЕТАЛЛУРГ»ГА БИР КЕЛИНГ

"Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг "Металлург" сиҳатгоҳи корхона ишчи-хизматчиларини дам олдириш ва соғломлаштиришнинг замонавий марказига айлантирилди. Мукаммал таъмирланиб, янги мебель ва даволаш ускуналари билан жиҳозлангач, бу ерда ҳар ой 110 дан зиёд ходимлар ўз соғлиқларини тиклamoқдалар.

– Сиҳатгоҳимизда гипертония ва юрак, ошқозоничак ва нафас йўллари хасталикларини, бўғимлардаги оғриқни даволаш учун барча шароитлар яратилди, – дейди бош шифокор Мубораккон Каттахўжаева. – Бунинг учун корхона маъмурияти ва касаба қўмитамиз маблағни аямади. Ҳозир йилига 1700 киши дам олиб, турли дардлардан фориғ бўлмоқда.

Шифокорлар меҳнат фахрийлари, боғча болаларини соғломлаштириш билан ҳам изчил шуғулланишяпти. Улар учун имтиёз яратилган. Ҳар йили 300 нафар кичкинтой бу ерга қатнаб даволанмоқда.

– Мен кўп йиллар мартен цехида меҳнат қилдим, – дейди пенсионер Қурбонбой Тошпўлатов. – Бугун сиҳатгоҳдаги шарт-шароитлар мутлақо бошқача. Ҳовли ободонлаштирилиб, кўмкўк майсазор, гулзорлар барпо этилди. Бу ерда шинам хоналар ҳам, меҳрибон шифокорлару ширинсўз хизматчилар ҳам, йўлкаларда очилиб турган гуллар ҳам кишига ҳузур бағишлайди. Ҳамкасбларим Белдиёр Алдашев, Абдуқаюм Ёрматов билан мириқиб дам олаётирмиз.

Шифокорлар Тўрабек Дувлатов, Мирзашерзод Дўстмуродов, тиббиёт ходимлари Нигора Эргашева, Муқаддас Отажонова, Саъдулла Абдуллаев дам олувчиларни даволаш учун бутун малакаларини ишга солишаяпти. Таъмирлаш жараёнида сиҳатгоҳда кўпгина янгиликлар жорий этилди. Жумладан, туз ғорда даволаш беморлар соғлиғини тиклашга самарали таъсир кўрсатаяпти.

Жўрабек МУРОДОВ.



СУРАТЛАРДА: ҳамшира Ойдиной Муротова муолажа пайтида; сиҳатгоҳнинг аҳил жамоаси.
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

БАҲОЛАШ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШДА

Мустақиллк йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда. Бунда юртимизда яратилган қулай инвестиция муҳитининг аҳамияти катта бўлмоқда. Бу борада гап кетар экан, мазкур тармоқда кейинги пайтлар тез-тез тилга олинаётган баҳолаш фаолияти, консалтинг хизмати каби йўналишларнинг ривожига муносиб эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз.

Эркин бозор иқтисодиёти даврида, табиийки, давлат тасарруфидаги мулклар хусусийлаштирила бошланди. Бу билан юртимизда хусусий мулкчилик изчил шаклланмоқда.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, хусусий мулкчиликнинг ривожланиши иқтисодиётни барқарорлашувига катта ижобий таъсир кўрсатади. Ўз навбатида хусусийлаштириш жараёнлари холисона баҳолаш тизимига таянади. Айни вақтда мамлакатимизда 100 га яқин баҳолаш ҳамда консалтинг хизмати кўрсатувчи компаниялар фаолият юритмоқда. Улар турли йўналишларда, хусусан, мулкни баҳолаш, стратегик режалаштириш, сифатли бошқариш, инжиниринг ахборот бошқарув тизимини ўрнатиш каби масалалар юзасидан ўз хизматларини таклиф этадилар.

Бугунги кунда, агар дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, иқтисодиётга, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, таълим каби яна қатор соҳаларга янгиликлар, қулайлик ва ўзгаришлар шиддат билан кириб келаяпти. Бунинг асосий сабаби, барча тизимларда талаб ва таклиф, рақобатнинг кучайиши, шунингдек, ахборот технологияларининг кенг миқёсда татбиқ этилаётганлигида, десак муболаға бўлмайди.

Бинобарин, баҳолаш ва консалтинг компаниялари фаолиятини ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Негаки, бугун тез ва сифатли хизмат кўрсатиш замон талаби. Ахборот технологиялари эса, бу борада яқин кўмакчи.

Айтайлик, мулкни баҳолаш бўйича кўплаб электрон дастурлар мавжуд бўлиб, улардан шундай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга жуда кўп компания ва юридик шахслар самарали фойдаланаётир.

Бунга мисол қилиб "Прогресс оценок", "1С", "ARM", "AutoCajl-Series", "Safeti", "DNV Software" каби ўнлаб юқори даражадаги аниқлик билан ишловчи ахборот технологиялари дастурларини тилга олиш мумкин.

Ўз навбатида, таъкидлаш жоизки, бугунги кунда номоддий актив ҳисобланган, корхонанинг ҳисоб-китоб бошқарувини амалга оширувчи ёки уни юритишга кўмаклашувчи турли хил дастурларни яратиш, сотиш ва сотиб олиш бўйича қонуний бозор мавжуд. Ахборот технологиялари дастурларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган компания ва ташкилотларгина бу бозорнинг иштирокчилари бўлиши мумкин.

Сардор ТОШМУҲАМЕДОВ,
Тошкент молия институти магистранти.

Одамийлик шеваси

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР УЧУН

Ўзбекистон Маданият ва санъат кўргазмаси залида хотин-қизлар томонидан касаначилик асосида тайёрланган маҳсулотларнинг "Қўли гулдир ўзбек аёлин" мавзуидаги кўргазма-савдоси бошланди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда "Микрокредитбанк" ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳунармандчилик, касаначилик билан шуғулланаётган юздан зиёд хотин-қиз ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга кредитлар ажратиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Жойларда хотин-қизлар қўмиталари томонидан уларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш учун уй шароитида меҳнат билан банд аёлларни рағбатлантириш, улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар савдосини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида турли кўргазмалар, кўриктанловлар ташкил этилмоқда.

ЎзА.

МЕНИНГ БУВИМ МИЛЛИОНЕР

Тўқсондан ошган бувим бор. Кўз тегмасин, бардам-бақувватлар. Ҳар қалай, ҳовлимиздаги кафтдеккина гулзорни ҳали-ҳануз бизларга ишонмай, ўзлари обод қиладилар.

Бувим – пенсионер. Дадамнинг айтишича, ҳовлимизда почтачининг "Хола пенсиянгизни олиб келдим" деган хитоби янграй бошлаганига ҳам қирқ йилдан ошибди... Яна нафақанинг чўғини айтмайсизми? Нолишга йўйманг-у, катта бир идорада ишлаб, шунча маош олмайман.

Бувим билан боғлиқ бир шингил гап айтмоқчиман-у, ишқилиб ёзганларимни ўқиб қолмасалар бўлгани, деган андишам ҳам йўқ эмас. Ўзлари-ку, ўқиёлмаслар-а, (кўзларидан жиндай шикоятлари бор, қаричилик) аммо айрим чаққон невара келинлар обрў оламан, деб сотиб қўйиши мумкин-да. Кейин театрдаги Фармонбибига ўхшаб саросимага тушиб қолмасайдилар, мани номим чиқмади, деб...

Дарвоқе, Фармонбибби. Шу спектаклни раҳматлик Саид Аҳмад домла бизнинг ҳовлидан олиб ёзганмикин, деб ўйлаб қоламан. Тўрт хўжалик бир ҳовлида яшаймиз. Бувимиз Фармонбибидек катта ҳовлига бошчилик қиладилар. Ўнлаб неварачевараларни опичлаб катта қилганлар. Фақат улар Фармонбибига ўхшаб... маошга аралашмайдилар. Шунинг учун бизнинг ҳовлида келинлар қўзғолон кўтаришмайди... Аксинча, пенсиядан улуш тегиб қолармикин, дея бувимизнинг атрофида эртаю кеч парвона. Хотирингиз жам бўлсинки, бувимиз ҳам анойилардан эмас, кимдан олишу кимга бериш, кимга ён босишу, кимга қаттиқ туриш кераклигини жуда яхши биладилар...

Гапни лағмончўзди қилмай, мақсадга ўта қолай. Ўтган ой бувимга пенсия келибди. Нақ икки юзу қирқ минг. Шу тобда денг бувимнинг катта қизлари – аммам келиб қолибдилар. Бувим нафақадан қирқ минг ажратиб, аммамнинг қўлига тутқазиб, тайинлабдилар:

– Манавинга бозорга тушганингда, помбарқутнинг аслидан бир кийимлик олиб тиктириб кийгин.

Аммам меҳрибон онасига ташаккур айтиб, қайтишда тўғри паст маҳаллага – қизи тушган хонадонга кирибди. Қизидан ҳол-аҳвол сўрагач, ҳалиги пулни унга илинибди:

– Бозорга тушсанг, оёғингга янги туфли олиб киярсан...

Аммамнинг қизи мурувватдан мамнун бўлиб, онасига қайта-қайта раҳмат айтибди.

Бу ёғини аммамнинг қизи (бувимнинг набираси)дан сўрасангиз. Кечга яқин ўн йил бурун турмушга чиққан Нодирахон боласини кўтариб келиб қолибди.

Аммамнинг қизи онаси ташлаб кетган пулни Нодирага (бувимнинг чеварасини) тутқазибди.

– Манави пулга бозорга тушганингда, ўзингга ул-бул олиб киярсан. Кийим ярашадиган пайтингда кийиб қол...

Нодирахон пулни бажонидил олибди-ю, эртасигаёқ тўққиз яшар қизи Нигинахонни (энди буниси бувимга эвара бўлади) етаклаб "Отчопар"га чопибди. Нигинахонни бош-оёқ кийинтирибди. Алқисса, бувимизнинг пенсиясига тўнғич эвара Нигинахон эга чиқибди.

Баъзан ўйлаб қоламан. Эрта-индин Нигинахоннинг бўйи етиб, совчилар келса, қудахолалар тўйда сарпо-суруқ масаласида бироз қийналишса керак.

Бирламчи, Нигинахоннинг онаси – қудахолага (яъни бувимнинг чеварасига) бош-оёқ сарпо, бувисига (яъни аммамнинг қизи, бувимнинг неварасига) бош-оёқ сарпо, катта бувисига (яъни аммамиз, бувимнинг қизига) бош-оёқ сарпо, энди энг катта бувисига (келин боланинг онасининг онасининг онасининг онасига, яъни бувимизга) бош-оёқ сарпо, амрикон махси-ковуши билан... Ўйланг, ҳазилакам харажат бўлмайди. Совчилар келиннинг бувиси кўп экан, деб айниб кетишмаса бўлгани...

Ана шунақа гаплар. Бувимиз ўзидан кейинги тўрт авлоднинг жамолини кўрган пири бадавлат, бойвучча кампир.

Шундай табаррук онахонни бир зиёрат қилсак яхшийди, дейсизми? Марҳамат. Фақат, айтиб қўяй. Келаётганингизда йўл-йўлакай "Олой" бозорига кириб, иккита елим халтани майда-чуйдага тўлдирволинг. Бувим ҳузурига қуруқ келганларни унча хушламайдилар...

Алишер РАҲМАТОВ.

Спорт хабарлари

■ **СУЗИШ.** Пойтахтимизда якунланган Ўзбекистон чемпионатида юз метрга брасс усулида сузиш бўйича маррага биринчи келган Иван Демьяненко мамлакатимизнинг янги рекордини ўрнатди. Хотин-қизлар баҳсида қатнашган Раъно Омонова эркин усулда эллик ва юз метрга, комплекс сузиш бўйича тўрт юз метрга ўтказилган беллашувларда учта олтин медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, чемпионат иштирокчилари орасида Данил Тулупов иккита, Ольга Гнедовская, Адонис Ганиев, Сергей Паньков, Алексей Дерлюгов, Собитжон Омилов биттадан олтин медални қўлга киритди.

■ **ШАХМАТ.** Республика шахмат-шашка клубида ўтаётган мамлакат чемпионатининг олий лига беллашувларида халқаро тоифадаги гроссмейстер Саидали Йўлдошев етакчилик қилмоқда. У дастлабки учрашувларда Акмал Файзуллаев, Владимир Егин, Баҳодир Холмирзаевни мағлуб этиб, иккинчи ўринда бораётган Сергей Қаюмов билан дуранг ўйнади.

■ **ДЗЮДО.** Хитой Тайпейида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари тўртта медалга сазовор бўлди. Финал учрашувида иштирок этган Дилшод Чориев кумуш медаль билан тақдирланди. Шокир Мўминов, Одил Тулендибоев ва Пекин Олимпиадаси совриндори Ришод Собиров қитъа чемпионатининг учинчи поғонасидан жой олди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Болалар ёзи

Ўқувчилар жонажон мактаблари билан хайрлашиб, ёзги таътилни соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказадиган мавсум бошланди. Улар бор жойда катталар ҳушёр туришлари зарур. Айниқса, ёнғин хавфининг олдини олиш муҳимдир.

МАВСУМ КЎНГИЛЛИ ЎТСИН

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш вазифаси ва масъулияти соғломлаштириш муассасалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

Хўш, улар биринчи навбатда нималарга эътибор беришлари лозим? Аввало, ётоқхоналар, заллар, кутубхона, фойе, вестибюль, йўлаклар, зинапоялар ёнғинни дарҳол сезувчи ва хабар берувчи мосламалар билан марказлаштирилган ҳолда таъминланиши лозим. Ёнғин ҳақида хабар бериш мақсадида радиоэшиттириш тармоғига кеча-кундуз ишлайдиган радиокарнайлар ўрнатилади. Яқин атрофдаги ёнғин хавфсизлиги қисми билан боғланиш учун телефон алоқаси ўрнатиш, махсус йўллар қуриш, тарбиячи, тиббиёт ходимларига ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидалари ўргатилиши лозим. Ёнғин рўй берганда оромгоҳнинг ҳар бир ходимига аниқ вазифа юклатилган ҳолда эвакуация режаси болалар келгунга қадар ишлаб чиқилиши керак.

Шунингдек, электр иситгич асбобларидан тўғри фойдаланишни мунтазам кузатиб бориш, қатъий тақиқланган жойларда улардан фойдаланишга йўл қўймаслик, барча биноларни ёнғин ўчириш воситалари билан жиҳозлаш, оромгоҳ хизматчиларининг тунги навбатчилигини ташкил этиш, уларни қўл-электр чироқлари билан таъминлаш лозим.

Ёнувчан ахлат ва чиқиндилар ҳар куни йиғиштириб олиниши, алоҳида жойларга тўплаб, мунтазам олиб чиқилиши зарур. Гулхан ёқишдан олдин ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ёки оромгоҳнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича масъул шахслари ёрдамида махсус жой тайёрлаб, ёнғин ўчиргичлар ва бошқа бирламчи воситаларни шай қилиб қўйиш талаб этилади. Анъанавий гулхан ёқиш тадбирларини маҳаллий ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган ҳолда ўтказиш, гулхан ёқиладиган майдонларнинг биноларидан камида 100 метр нарида бўлишини таъминлаш шарт. Оромгоҳ ҳудудида ва биноларида чекиш қатъиян ман этилади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, юқоридаги қоидаларга сўзсиз амал қилинишига оромгоҳ хизматчилари масъулдирлар.

Барно АЗИМОВА,
вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси инспектори.

Ҳажвия

ОВОРА ҚИЛМАЙ ДЕБ

Пешонамга машина битган кун қадрдон дўстларим, қўшниларим муборакбод қилгани чиқишди. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари билан бўлиб турадиган учрашувлар ва улардан қандай эҳтиёт бўлиб юриш кераклиги тўғрисида батафсил маслаҳатлар беришди.

Эртаси куни рулга ёпишганча, ишхонамга жўнадим. Йўлда инспектор ўзи тўхтатган автомобиль ҳайдовчилари билан алланималарни муҳокама қиларди. Мен ҳам машинамни тўхтатиб, улар томон бордим.

– Ҳужжатларимни текшириб берсангиз, шошилиб турибман, – илтимос қилдим.

Сержант бир менга, бир машинамга қараб:

– Сизни тўхтатмадим шекилли? – деди.

– Овора қилмай деб ўзим тўхтадим, – дедим.

– Машина ўзингизникими?

– Ҳа, мана ҳужжатларим.

– Бўлди-бўлди. Ишонаман, – деди у мийиғида кулиб.

Раҳмат айтиб, хайрлашдим. Эртаси куни сержантни яна ўша жойда кўрдим.

– Овора қилмай деб ўзим тўхтадим, – дедим олдига бориб.

– Нега?

– Ҳаракатларимда камчилик йўқ, машина ўзимники, қоидани бузмасдан кетаяпман.

– Учрашгунча!

Учрашиб турдик. Бир куни у мени узоқдан кўриб «кетаверинг» ишорасини қилди. Унга айтадиган зарур гапим бор эди. Шу сабаб у томон боравердим.

– Нега тўхтадингиз?!

– Яхши. Кетаверишингиз мумкин.

– Хайр!

Учинчи кун. Яна ўша чорраҳа, ўша сержант.

– Овора қилмай деб...

– Шошманг-шошманг. Бундан буён тўхтамай кетаверинг.

– Нима гуноҳ қилибман, ўртоқ сержант? Ахир, мана, ҳужжатларимда...

– Ҳужжатларингизда камчилик йўқ, қоидани бузмай кетаяпсиз, машина ўзингизники, шунақами?

– Ҳа.

– Оқ йўл!

– Овора қилмай деб...

– Менга қаранг, овора қилаяпсиз, ахир кўрганлар менинг тўғримда нима деб ўйлайди?

– Нариги мавзеда йўл қоидасини бузиб қўйибман, жаримасини олиб қўйсангиз, – дедим ажратиб қўйган пулни чўнтагимдан қидириб.

– Бас қилинг! Кетинг! – ғазабдан ранги оқарди унинг.

– Бу пора эмас, жарима, бемалол олаверинг. Нимадан чўчийсиз?

– Жўнанг деяпман сизга, кўзимдан йўқолинг! – титроқ тута бошлади уни.

– Хўп-хўп. Ҳозир қайфиятингиз жойида эмас кўринади. Мен кетдим.

Қўшним Йўлчивой шопирнинг маслаҳати билан жаримани давлат ғазнасига тўлаб, паттасини олдим. Уни сержантга кўрсатиш ниятида тўхтаган эдим, у мени узоқдан кўриши биланоқ ғалати бўлиб қолди.

– Кетинг! – овози титради сержантнинг, – ўз ҳолимга қўясизми, йўқми?!

– Ҳозир... мана, олиб келгандим, – дедим чўнтакларимдан патта қидириб.

Сержантим дуч келган машинани тўхтатди-ю, унга ўтириб, жўнаб қолди. Мен ҳам машинамда унинг кетидан изма-из боравердим. У ортга қаради, мен қўлимни ойнадан чиқариб паттани кўрсатган эдим, машина шиддат билан янада тезлашиб кетди...

Мана, бир неча кун бўлдики, чорраҳа эгасиз, ҳувиллаб қолди. Сержант унинг кўрки эди. Кўзмунчоқдек ярашиб турарди. Энди у йўқ. Наҳотки қайтиб келмаса?

Эсингдами, бир куни оташ нурли таёғингни оҳиста кўтарган эдинг, таққа тўхтадим-да, ийманиб олдингга бордим. Менга эҳтиром билан «честь» бериб, ғурур билан исм-шарифингни айтдинг. Эшитиб, ич-ичимдан қувониб кетдим ўшанда. Афсус, жарима паттасини бир зум бўлса-да кўриш сенга насиб этмаган экан. Ҳар кун учрашадиган жойимиз эсингдами? Ўша ерга эрта саҳардан келиб, изларингни қидираман. Сукут сақлайман. «Овора қилмай деб ўзим тўхтадим» лабларим беихтиёр шивирлайди. Сенинг қош чимириб қарашларинг, забардаст қоматинг шундоққина кўз ўнгимда гавдаланади. Ширин-ширин сўзларинг қулоғимда кўнғироқдек жаранглайди. Оҳ, сержантгинам, ишқилиб қаерда бўлсанг ҳам жонинг омон бўлсин-да!

Толиб ҚАНОАТ.

Рассом хандаси

Хусан СОДИҚОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Ғайрат ШЕРАЛИЕВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)
Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Нашр индекси – 205. Буюртма Г-540. Адади 8373. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.
Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.00. 2 5 6 7 8